

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

«ҲАЖ» ВА «УМРА» ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фуқароларнинг виждан эркинлиги ва диний эътиқодга бўлган конституцияий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш, «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган фуқаролар рўйхатининг холисона ва ижтимоий адолат мезонлари асосида шакллантирилишини ҳамда муқаддас зиёратларни ташкил қилишда белгиланган тартибга қатъий риоя этилишини таъминласинлар.

(3-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 декабрдаги 1056-сонли қарорига асосан ўз кучини ўйқотган — Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2018 й., 09/18/1056/2400-сон)*

4. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, уларнинг аввалги манзили бўйича навбати сақланиб қолиши белгилаб қўйилсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг барча босқичлари (рухий-асаб, наркология, тери-таносил, сил касалликлари юзасидан тиббий кўриқ, эмлаш ва бошқаларни) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар тиббиёт бирлашмаларининг марказий кўп тармоқли поликлиникарида, шунингдек, мураккаб ва зиддиятли ҳолатларда ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органи томонидан белгиланадиган марказий поликлиникаридан бирида бепул амалга оширишни таъминласин.

(5-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 551-сонли қарори таҳририда — Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2019 й., 09/19/551/3369-сон*)

6. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси авиақатновларида фуқароларнинг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бориш-келишлари учун қулай шартшароитлар яратиш, мазкур тадбирлар учун авиачипталар нархини арzonлаштириш чораларини кўрсинг.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг расмий веб-сайтида «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбат тизимини шакллантирилишини ва мазкур онлайн тизимини доимий равишда янгилаб борилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича ташкилий гурухлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этилган зиёратчиларнинг рўйхати асосида уларни «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбат тизимида рўйхатдан ўтказиб борадилар.

Туман (шаҳар)лардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳозирги вақтга қадар мазкур ўзини ўзи бошқариш органларида навбатда турган зиёратчиларни тўлиқ

хатловдан ўтказиб, хатлов натижалари бўйича тасдиқланган рўйхатларни туман (шაҳар)лар ҳокимлеклари хузуридаги ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича ташкилий гурӯхларга тақдим этсин.

8. Ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлеклари хузуридаги Ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳайъатлар билан биргаликда ҳар йили «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган фуқаролар квотасининг рўйхатда турган фуқароларнинг умумий сонидан келиб чиқиб, мутаносиб равишда тақсимланишини таъминласин.

9. Ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлеклари хузуридаги Ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳайъатлар «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари ҳамда «Ҳаж» ва «Умра» сафарларига борадиган фуқароларнинг квотаси ва унинг худудлар бўйича тақсимоти ҳақида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб борсинглар. «Ҳаж» ва «Умра» зиёратлари билан боғлиқ тадбирлар, Ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилишига, хусусан «Маҳалла» телеканали имкониятидан кўпроқ фойдаланишга эътибор қаратсинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 7 июнь,
364-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июндаги 364-сон қарорига
ИЛОВА

**«Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. «Ҳаж» тадбири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги (кейинги ўринларда Саудия Арабистони деб аталади) Ҳаж вазирлиги ўртасида ҳар йили имзоланадиган шартнома асосида амалга оширилади.

«Умра» тадбири Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг Саудия Арабистонидаги ҳамкор ташкилоти ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 28 августдаги ПФ-3793-сон Фармони билан ташкил қилинган Ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда Жамоатчилик кенгаши деб аталади) билан келишган ҳолда ҳар йили имзоланадиган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини адо этувчи диндорларни давлат томонидан қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 20 майдаги ПК-869-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон

Республикасининг Жидда шаҳридаги (Саудия Арабистони) Бош консулхонанинг «Ҳаж» ва «Умра» ишлари бўйича атташеси (кейинги ўринларда Бош консулхонанинг атташеси деб аталади) Саудия Арабистонида «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борган фуқароларнинг (кейинги ўринларда зиёратчилар деб аталади) тадбирларни тўлиқ бажаришида ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатади.

4. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш учун Низомга [1-иловада](#) келтирилган схема бўйича амалга оширилади.

5. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари билан боғлиқ ташкилий ишларни ва зиёратчиларга сифатли хизмат кўрсатилишини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси масъулдир.

6. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ маълумотлар (фуқароларнинг ҳаж ва умра сафарларига навбати, сафар учун ажратилган ўринлар, тўловларнинг миқдори ва бошқалар) мунтазам равишда Ўзбекистон мусулмонлари идораси расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

2-боб. Жамоатчилик кенгаши, ҳайъатлар ва ташкилий гуруҳларнинг ташкил этилиши, уларнинг таркиби, вазифалари

7. Ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари:

республика миқёсида Жамоатчилик кенгаши;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларни хузуридаги ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳайъатлар (кейинги ўринларда ҳайъатлар деб аталади);

туман (шаҳар)лар миқёсида туман (шаҳар)лар ҳокимларни хузуридаги ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича ташкилий гуруҳлар (кейинги ўринларда ташкилий гуруҳлар деб аталади) томонидан ташкил этилади.

8. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 28 августдаги ПФ-3793-сон Фармонига мувофиқ амалга оширади.

9. Ҳайъатлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларни хузурида тегишли равишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан 9 кишидан иборат таркибда тузилади.

Ҳайъатлар қуидаги ташкилотлар масъул ходимларидан иборат таркибда шакллантирилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари (ҳайъат раиси);

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги вакили;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси раҳбари;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи;

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси вакили;

Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси;

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг худудий бўлинмаси раҳбари;

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг ҳудудий бўлинмаси раҳбари.

10. Қуйидагилар ҳайъатларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

«Ҳаж» тадбирига боришга номзодларни саралаш ишларини Ҳаж мавсумидан камида беш ой аввал бошлишни ташкил этиши;

«Ҳаж» тадбирига боришга номзодларни саралашни ушбу Низомда белгиланган талаблар асосида амалга оширилишини ҳамда ижтимоий адолат тамойилига амал қилинишини таъминлаш;

зиёратчиларнинг тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаш;

жамиятдаги ижтимоий муҳитни янада соғломлаштиришда ҳамда маҳаллалардаги йўлдан адашганларни соғлом эътиқодга қайтаришда алоҳида намуна кўрсатган имом-хатибларнинг имтиёзли равишда Ҳаж сафарига боришига тавсия бериш;

(10-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1031-сонли қарорига асосан иккинчи — бешинчи хатбошилар билан тўлдирилган — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2017 й., 09/18/1031/0500-сон)

тегишли ҳудудда давлат ва нодавлат ташкилотлари мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари билан боғлиқ қонун ҳужжатлари талаблари бажарилишини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, мазкур зиёратларни ташкил этиши ва амалга оширишда хизмат мавқенини суиистеъмол қилишга, бошқа хукуқбузарликларга йўл қўйилмаслигини таъминлаш;

«Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиши ва ўтказиш жараёни мониторингини олиб бориш ҳамда таҳлил қилиш;

тегишли ҳудудда «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларининг амалга оширилиш вақти, тартиби юзасидан тушунтириш бериш ҳамда «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиши ва ўтказиш билан боғлиқ қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан фуқароларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш, аниқланган салбий ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиши;

ушбу Низомнинг 26-бандига мувофиқ Жамоатчилик кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига тақдим этиладиган квота асосида туманлар (шаҳарлар) бўйича квотани ишлаб чиқиш ҳамда ҳар йили тегишли ҳудудда «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчилар рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш. Белгиланган муддатларда Жамоатчилик кенгашига мазкур рўйхат ва қеракли ҳужжатларни тақдим этиши;

тегишли ҳудуддаги фуқароларнинг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари учун чет элга чиқиш жараёнини ҳисобга олиш ва тизимлаштириш мақсадида зиёратчиларнинг шахсий маълумотномалари ягона базасини юритиши;

зиёратчиларнинг Тошкент шаҳрига келиш-кетиши, яшashi, овқатланиши, транспорт харажатларининг қопланиши учун Жамоатчилик кенгаши томонидан тасдиқланган ҳар бир зиёратчи учун сафар харажатлари сметасига қўшимча тарзда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича алоҳида смета ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

тегишли ҳудудда диний ва конфессияларо бағрикенгликни тарғиб этиши, исломнинг анъанавий ҳанафий мазҳабига зид бўлган радикал-экстремистик мафкураларнинг ўз моҳияти бўйича бузғунчи эканлигини фош қилишга доир Ўзбекистонда диний соҳада олиб борилаётган чора-тадбирларни ахборот билан таъминлаш ишларини амалга ошириш.

11. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қорақалпоғистон Республикасидаги қозиёти, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги вакиллклари ҳайъатнинг ишчи органи функциясини бажарадилар.

12. Ишчи орган қўйидаги ишларни ташкил этади:

ҳайъат томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида зиёратчиларнинг чет элга чиқиш учун рухсат берувчи ёзув стикерини расмийлаштирилишини таъминлаш;

тўловларни (Саудия Арабистонида ҳар бир «Ҳаж» ва «Умра» зиёратчиси учун шартномага қўра сарфланадиган харажат, авиаҷипталар, вакциналар, тиббий дори қутичаси учун дори воситалари, «Ҳаж» ва «Умра» қўлланмаси ва DVD диск, зиёратчилар кийим-

кечаги, сумка ва бошқалар учун сарфланадиган харажатларни) зиёратчилар томонидан Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг маҳсус ҳисобварагига (22626 — Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) нақд ёки нақд пулсиз тартибда миллий валютада ўтказилишини таъминлаш;

зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, эмлаш, улар билан сафаролди машғулотлари ўтказиш;

«Ҳаж» ва «Умра» мавсумларида зиёратчиларни кузатиш ва кутиб олиш ишларини амалга ошириш.

13. Ташкилий гуруҳлар туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан 7 кишидан иборат таркибда тузилади.

Ташкилий гуруҳлар таркибига, қоидага кўра, туман (шаҳар) ҳокимиининг ўринбосари (ташкилий гурух раиси), бош имом-хатиб, ички ишлар органининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг туман (шаҳар) бўлинмалари раҳбарлари киритилади.

14. Қуйидагилар ташкилий гуруҳларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тегишли туман (шаҳар)да давлат ва нодавлат ташкилотлари мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг «Ҳаж» ва «Умра» ибодатлари билан боғлиқ қонун ҳужжатлари талаблари бажарилишини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, мазкур зиёратларни ташкил этиш ва амалга оширишда хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа ҳукуқбузарликларга йўл қўйилмаслигини таъминлаш;

тегишли туман (шаҳар)да зиёратларни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёни мониторингини олиб бориш ҳамда таҳлил қилиш;

тегишли туман (шаҳар)да «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларининг амалга оширилиши вақти, тартиби юзасидан тушунтириш бериш ҳамда йўл қўйилаётган қонун бузилишлари юзасидан фуқароларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш, аниқланган салбий ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш;

ушбу Низомнинг **26-бандига** мувофиқ ҳайъатлар томонидан туман (шаҳар) бўйича тақдим этиладиган квота асосида ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун квотани белгилаш ҳамда тегишли йилда «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчилар рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш. Белгиланган муддатларда тегишли ҳайъатларга мазкур рўйхат ва бошқа зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

тегишли туман (шаҳар)лардаги фуқароларнинг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари учун чет элга чиқиш жараёнини ҳисобга олиш ва тизимлаштириш мақсадида зиёратчиларнинг шахсий маълумотномалари ягона базасини юритиш;

тегишли туман (шаҳар)да диний ва конфессиялараро бағрикенгликни тарғиб этиш, исломнинг анъанавий ҳанафий мазҳабига зид бўлган радикал-экстремистик мағкураларнинг ўз моҳияти бўйича бузғунчи эканлигини фош қилишга доир Ўзбекистонда диний соҳада олиб борилаётган чора-тадбирларни ахборот билан таъминлаш ишларини амалга ошириш.

14¹. «Ҳаж» тадбирига боришга номзодларни маҳалла фуқаролар йиғини миқёсида саралаб олиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) ҳокими томонидан 7 кишидан иборат таркибда ишчи гуруҳ тузилади (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб аталади).

Ишчи гуруҳ таркибига, қоидага кўра, туман бош имоми, маҳаллага бириктирилган имом, маҳалла раиси, профилактика инспектори, Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси вакиллари киритилади.

(14¹-бандинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 327-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2018 й., 09/18/327/1173-сон)

15. Жамоатчилик кенгаши, ҳайъатлар, ташкилий гуруҳлар ва ишчи гуруҳлар ўзларига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун масъулдирлар.

(15-банднинг биринчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1031-сонли қарори таҳририда — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 29.12.2017 й., 09/18/1031/0500-сон)

3-боб. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларининг ташкил этилиши ва ўтказилишида давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг иштироки

16. Қуидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

вазирликлар, идоралар ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларининг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари билан боғлиқ фаолияти мониторингини олиб бориш ҳамда бу ҳақда Жамоатчилик кенгашига ахборот бериш;

Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан ҳар бир зиёратчи учун сафар харажатлари сметаси лойиҳаларининг тайёрланишида иштирок этиш;

ҳайъатлар томонидан тегишли йилда «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчилар рўйхатининг тузилишини, зиёратчиларнинг тиббий кўриқдан ўтказилишини, эмланишини, уларга чет элга чиқиш учун рухсат берувчи ёзув стикерининг олинишини ва «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргалиқда ислом аҳкомлари ва шариат қонун-қоидаларини биладиган, жамоат ишларида фаол бўлган давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари орасидан зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гуруҳлар ва зиёратчиларнинг гуруҳ раҳбарлари, шунингдек, тиббий ходимлар, тажрибали ошпазлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш учун Жамоатчилик кенгашига киритиш;

Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргалиқда зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гуруҳлар, зиёратчиларнинг гуруҳ раҳбарлари ва зиёратчилар билан сафаролди учрашувлари ҳамда машғулотлари ўтказилишини ташкил қилиш;

«Ҳаж» ва «Умра» мавсумида худудларда зиёратчиларни кузатиш ва кутиб олиш ишларини ташкил этиш чора-тадбирларини белгилаш, шу жумладан зиёратчиларнинг тасдиқланган жадвал асосида Саудия Арабистонига бориши, у ерда бўлиши ва у ердан қайтиб келишларини назорат қилиш;

«Ҳаж» ва «Умра» мавсуми давомида зиёратчиларнинг соғ-саломат ва ибодатларни тўла-тўқис бажариб келишини таъминлаш мақсадида Саудия Арабистонидаги тегишли ташкилотлар билан доимий алоқада бўлиш, зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гуруҳлар, зиёратчилар гуруҳ раҳбарларининг фаолиятини назорат қилиш.

17. Қуидагилар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Бош консулхонанинг атташеси ёрдамида Саудия Арабистонида «Ҳаж» ва «Умра» мавсумларида зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи меҳмонхона, транспорт ва озиқ-овқат ташкилотлари билан шартномалар тузиш;

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг расмий веб-сайти орқали «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбат тизимига (кейинги ўринларда зиёратчиларнинг онлайн навбат тизими деб аталади) шакллантирилишини ва мазкур онлайн тизимни доимий равишда янгилаш борилишини таъминлаш;

ҳар бир зиёратчи учун сафар харажатлари сметаси лойиҳаларини тайёрлаш ва Жамоатчилик кенгашига тасдиқлаш учун киритиш;

«Ҳаж» ва «Умра» мавсумлари бошланишидан бир ой олдин зиёратчиларни эмлаш учун вакцина етказиб берувчи, зиёратчилар учун кийим-кечак ва сумка тайёрлаб берувчи ташкилотларни танлаш учун алоҳида-алоҳида тендер (танлов) ўтказиш ва тендер (танлов) хulosаларини Жамоатчилик кенгашига киритиб, Жамоатчилик кенгаши қарорига асосан тендер (танлов)да ғолиб чиқсан ташкилотлар билан шартномалар тузиш;

зиёратчиларни эмлаш учун зарур миқдордаги вакциналарнинг тегишли ташкилотлар томонидан ҳайъатлар белгилайдиган тибиёт муассасаларига ўз вақтида етказилишини ва зиёратчиларни эмлашни ташкил этиш;

жойларда «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари учун зиёратчилар томонидан амалга оширилган тўловларнинг Ўзбекистон мусулмонлари идораси маҳсус ҳисобварағига (22626 — Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) қабул қилинишини таъминлаш;

зиёратчилар учун хизмат кўрсатадиган хорижий ташкилотларга тўланадиган маблағларнинг ўз вақтида конвертация қилинишини ҳамда ушбу маблағларнинг Бош консулхонанинг атташеси томонидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси берган ишончнома асосида бошқариладиган Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг маҳсус ҳисобварағига (22626 — Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирмай ўtkазилишини таъминлаш;

зиёратчиларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш (паспортларнинг араб тилидаги нусхасини тайёрлаш) ва зиёратчилар учун Саудия Арабистонининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси орқали визалар олинишини таъминлаш;

зиёратчиларнинг Ўзбекистон Республикасидан Саудия Арабистонига ва Саудия Арабистонидан Ўзбекистон Республикасига бориш-келишлари юзасидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан биргаликда авиақатновлар жадвалларини ишлаб чиқиши, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан тегишли шартномаларни имзолаш ҳамда зиёратчиларнинг сафардан камида ўн беш кун олдин ушбу авиақатновлар жадвали билан таниширилишини таъминлаш;

«Ҳаж» ва «Умра» мавсумида зиёратчиларнинг гурух раҳбарлари рўйхатини тузиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитага тақдим этиш;

зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гурухлар, зиёратчиларнинг гурух раҳбарлари ва зиёратчилар билан сафаролди учрашувлар ҳамда машғулотлар ўтказиш;

зиёратчиларнинг гурух раҳбарлари томонидан зиёратчиларнинг «Ҳаж» ва «Умра» амалларини тўлиқ адо этишлари мақсадида зиёрат жойларининг макетлари ёрдамида ҳамда тақдимот шаклида тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминлаш;

тегишли ташкилотлар билан белгиланган тартибда тузиладиган шартномалар асосида «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари тўғрисида босма ва видео қўлланмаларни тайёрлаш ҳамда зиёратчиларга сафардан камида ўн беш кун олдин етказиб бериш;

«Ҳаж» ва «Умра» мавсумларида зиёратчиларнинг Саудия Арабистонига бориши ва у ердан қайтиши жадвалига қатъий риоя этишларини таъминлаш;

«Ҳаж» ва «Умра» мавсумлари олдидан оммавий ахборот воситалари орқали муқаддас жойларга зиёратга бориш тартиб-қоидалари, зиёратларнинг мазмун-моҳияти ҳақида, шунингдек фуқароларнинг ноқонуний йўллар билан «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига боришига уринишларининг олдини олишга доир кенг кўламли тушунтириш ишларини ташкил этиш.

18. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

зиёратчиларга белгиланган тартибда чет элга чиқиши учун рухсат берувчи ёзув стикерини ўз вақтида расмийлаштириш;

зиёратчиларни кузатиш ва кутиб олиш вақтида, шунингдек зиёратчилар ва зиёратчиларнинг гурух раҳбарлари билан сафаролди учрашувлари ва ўқув машғулотлари ўтказиладиган жойларда харакат хавфсизлигини ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш. Зиёратчиларнинг белгиланган йўналишларда харакатланишини йўл-патруль хизмати кузатувида амалга ошириш;

зиёратчиларни кузатиш ва кутиб олиш вақтида Жамоатчилик кенгаси томонидан тасдиқланган «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган фуқароларни кузатиш ва кутиб олиш гурухи билан бевосита ҳамкорликда иш олиб борилишини таъминлаш.

19. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

зиёратчиларни эмлаш учун вакцина етказиб берувчи ташкилотни танлаш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан ўтказиладиган тендер (танлов)ни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш;

Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талабларни ва Саудия Арабистонининг иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, зиёратчиларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиши, эмлаш ва Саудия Арабистони Соғлиқни сақлаш вазирлиги талабларидан келиб чиқиб, зиёратчиларга эмланганлик тўғрисида тиббий сертификатлар тақдим этилишини таъминлаш. Бунда зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг барча босқичлари (рухий-асаб, наркология, тери-таносил, сил касалликлари юзасидан тиббий кўрик, эмлаш ва бошқаларни) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шахри ҳамда туман (шаҳар)лар тиббиёт бирлашмаларининг марказий кўп тармоқли поликлиникаларида, шунингдек, мураккаб ва зиддиятли ҳолатларда худудий соғлиқни сақлаш бошқарув органи томонидан белгиланадиган марказий поликлиникаларидан бирида бепул амалга оширилишини таъминлаш;

(19-банднинг учинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 551-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2019 й., 09/19/551/3369-сон*)

зиёратчилар учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси маблағлари ҳисобига харид қилинадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини тайёрлаш, ҳамда мазкур дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ишчи гурӯҳ вакиллари кўмагида Саудия Арабистонига зиёратчилар билан бирга юборилишини таъминлаш;

«Ҳаж» ва «Умра» мавсумларида Саудия Арабистонида зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи тиббий ходимлар номзодлари рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитага тақдим этиш. «Ҳаж» ва «Умра» мавсумларида Саудия Арабистонида зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи тиббий ходимлар рўйхати Жамоатчилик кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур тиббий ходимлар билан сафаролди ўқув машғулотларини ўтказиши;

«Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари давомида зиёратчиларга ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишини, профилактика ишлари амалга оширилишини ташкил этиши.

20. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Саудия Арабистони Ҳаж вазирлигининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси делегациясининг ҳар йилги Жидда шаҳрига сафари билан боғлиқ ташкилий ишларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан ҳамкорлик қилиш;

зиёратчилар учун Саудия Арабистонининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси томонидан визалар расмийлаштирилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасига амалий ёрдам кўрсатиш;

Бош консулхонанинг атташеси иштирокида «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари бўйича тузиладиган шартномаларни ўз вақтида легаллаштириши амалга ошириш;

«Ҳаж» ва «Умра» мавсумлари давомида зиёратчиларнинг соғ-саломат ва ибодатларни тўла-тўқис бажариб келишини таъминлаш мақсадида Саудия Арабистонидаги мутасадди ташкилотлар билан доимий алоқада бўлиш.

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатига биноан жойларда «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари учун зиёратчилардан қабул қилинган маблағларни ўз вақтида конвертация қилиб, Бош консулхонанинг атташеси томонидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси берган ишончнома асосида бошқариладиган Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг махсус ҳисобварағига ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Саудия Арабистонидаги ҳамкор ташкилотининг ҳисобварақларига (22626 — Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) ўз вақтида ўтказишини ташкил этади.

(21-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартағи 144-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2020 й., 09/20/144/0314-сон)

22. Кўйидагилар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан зиёратчиларни ташиш юзасидан шартномалар тузиш ҳамда Саудия Арабистонига зиёратчиларни олиб бориш ва олиб келиш бўйича авиақатновлар жадвалларини Саудия Арабистонининг мутасадди ташкилотлари билан мувофиқлаштириш;

«Ҳаж» ва «Умра» мавсумларида зиёратчиларни тегишли йўналишларда ташишни ташкил қилиш;

«Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари йил давомида доимий амалга оширилишини ҳамда мазкур зиёратларга борадиган фуқароларнинг сони кўплигини инобатга олиб, зиёратчилар учун турли нокулайликлар ва қийинчиликлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида аэропортда зиёратчиларга самолётнинг учиш вақтини кутиш, дам олиш, овқатланиш, ибодат қилиш имконини берадиган алоҳида бино ажратиш;

«Ҳаж» мавсумида меҳмонхоналарда зиёратдан қайтаётган зиёратчиларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг юкларини қабул қилиш чораларини кўриш;

«Ҳаж» ва «Умра» мавсумларида зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гурухлар, зиёратчиларнинг гуруҳ раҳбарлари ва зиёратчилар билан сафаролди учрашувларида иштирок этиш.

23. Кўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

аэропортларда зиёратчиларнинг юкларини белгиланган тартибда божхона кўригидан ўтказиш;

«Ҳаж» ва «Умра» мавсумларида зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гурухлар, зиёратчиларнинг гуруҳ раҳбарлари ва зиёратчилар билан сафаролди учрашувларида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминлаш;

аэропортлар орқали ҳаракатланаётган «Ҳаж» ва «Умра» зиёратчиларининг республикадан учеб кетишилари ва унга учеб келишларида қулайликлар яратиш, божхона назорати зonasida узоқ вақт туриб қолишларининг олдини олиш мақсадида аэропортларнинг учеб кетиши ва учеб келиш залларида алоҳида йўлакчалар ажратилиб, божхона назорати ва расмийлаштирувани белгиланган тартибда тезкорлик билан амалга ошириш;

«Ҳаж» ва «Умра» зиёратига учеб кетаётган зиёратчиларга қулайликлар яратиш мақсадида олдиндан тарқатилишини таъминлаш учун Ўзбекистон мусулмонлари идорасига зарур миқдорда Йўловчи божхона декларацияси бланкаларини ажратиши;

«Ҳаж» зиёратчиларининг учеб келишларида божхона расмийлаштирувани ҳаво кемасининг ўзида амалга ошириш учун гуруҳ ташкил этиш ва уни тасдиқлаш.

Божхона ходимлари ҳаво кемасида божхона расмийлаштирувани амалга ошириш учун Саудия Арабистонига учеб бориб келишида ушбу божхона ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга хизмат сафарларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2014 йил 30 октябрдаги 299-сон қарори талаблари татбиқ этилмайди.

24. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-куватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аҳолига «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга ошириш ҳамда ноқонуний йўллар билан зиёратга боришнинг олдини олишга доир тушунтириш ишларини олиб боришда иштирок этиши мумкин.

25. Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ўзларига юклangan «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларининг ташкил этилиши ва ўтказилиши билан боғлиқ барча вазифаларнинг самарали бажарилиши учун масъулдир.

4-боб. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчиларни рўйхатга олиш ва тегишли йилда квотага киритиладиган фуқароларнинг сонини аниқлаш. Тадбирларга юбориш вақтида қўйиладиган қўшимча шартлар

26. Ҳар йили «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган фуқаролар квоталари Корсақалпоғистон Республикасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига — Жамоатчилик кенгаси томонидан, туманларга — Ҳайъатлар томонидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига — Ташкилий гуруҳлар томонидан рўйхатда турган фуқароларнинг умумий сонидан келиб чиқиб мутаносиб равиша тақсимланади.

Жамоатчилик кенгаси, ҳайъатлар ва ташкилий гуруҳлар квоталарни белгилашни зиёратчиларнинг онлайн навбат тизимига мувофиқ амалга оширадилар.

27. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бориши учун ариза берувчи доимий яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ариза ҳамда паспорти нусхасини тақдим этиши лозим.

28. Фуқароларнинг «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бориши учун аризаси уларнинг доимий яшаш жойларидағи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан йил давомида қабул қилиниб, навбатга қўйиб борилади.

28¹. «Ҳаж» тадбирига боришига номзодлар навбатга қўйилишидан аввал ушбу Низомнинг 28²-бандида назарда тутилган талаблар асосида ишчи гуруҳ томонидан сұхбатдан ўтказилади ва сараланади.

Бунинг учун фуқаролар йигини раиси томонидан номзодларнинг алоҳида рўйхати шакллантирилади. Номзодларга улар сұхбатдан ўтказиш ва саралаш учун рўйхатга қўшилғанлиги ҳамда сұхбатдан ўтказиш санаси ва жойи тўғрисида фуқаролар йигининг раиси томонидан хабар берилади.

Ишчи гуруҳ ҳар ойнинг 5 санасидан кеч бўлмаган муддатда шаклланган рўйхат асосида «Ҳаж» тадбирига борадиган заёратчи сифатида навбатга қўйиш учун номзодларни сұхбатдан ўтказади ва саралайди.

28². «Ҳаж» тадбирига боришига навбатга қўйиладиган номзодлар қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- а) номзод моддий ва жисмоний жиҳатдан «Ҳаж» тадбирига қодир бўлиши;
- б) «Ҳаж» амалларини тўғри ва тўла-тўқис аддо этиши учун етарли диний билимга эга бўлиши;
- в) номзод маънавияти, маърифати ва одоб-ахлоқи билан маҳаллада обрў-эътиборга эга бўлиши;
- г) оиласидаги мухитнинг соғломлиги ва фарзандларининг ижобий тавсифланиши, маҳалла фуқаролар йигинидаги ижтимоий-маънавий мухитни яхшилашда ибрат бўла олиши;
- д) йўлдан адашганларни соғлом турмуш тарзига қайтариш, уларнинг ижтимоий мослашувига ёрдам бериши, маҳалла фуқаролар йигинида ўтказиладиган хайрия тадбирларида иштирок этиши;
- е) ушбу Низомнинг 46-банди талабларига жавоб бериши.

28³. Саралаш натижасига кўра «Ҳаж» тадбирига боришига навбатга қўйиладиган номзодлар рўйхати тегишли худуддаги масжид ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари биноларида эълон қилинади ҳамда 15 кун мобайнида улар бўйича жамоатчилик фикри ўрганилади.

Жамоатчилик томонидан билдирилган таклиф ёки эътиrozлар ишчи гуруҳ томонидан 5 кун муддатда кўриб чиқилади ва текширилади.

Ишчи гуруҳ жамоатчилик фикри асосида фуқарони «Ҳаж» тадбирига борадиган заёратчи сифатида навбатга қўйиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига 1 кун муддатда тавсия беради».

(28¹ — 28³-бандалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1031-сонли қарорига асосан киритилган — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2017 й., 09/18/1031/0500-сон)

29. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчиларни рўйхатга олиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари туман (шаҳар) ҳокимлиги муҳри билан тасдиқланган, вараклари рақамланган, ип ўтказиб тикилган, ушбу Низомга [2](#) ва [3-иловаларда](#) келтирилган намунага мувофиқ маҳсус журналларни юритади.

30. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи аризани қабул қилиб олгандан сўнг ариза берувчига ушбу Низомга [4-иловада](#) келтирилган шаклда маълумотнома бериши шарт.

31. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бориш учун навбатда турғанлар рўйхатини тегишли худуддаги фуқароларининг танишиши учун қулай жой (эълонлар тахтаси)га доимий равишда жойлаштириб боради.

32. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳар ойнинг 5-санасига қадар ўзининг худудидан «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчилар рўйхатини зиёратчиларнинг онлайн навбат тизимида рўйхатга олиш учун ташкилий гурухга тақдим этиб боради.

33. Ҳар йили «Ҳаж» ва «Умра» мавсумлари бошланишидан олдин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий гурух квотани тасдиқлагандан кейин икки кун мобайнида, ажратилган квотага мувофиқ тегишли йилда ўзининг худудидан «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига борадиган зиёратчилар рўйхатини навбат бўйича тузади ҳамда имзо ва муҳр билан тасдиқлаган ҳолда ташкилий гурухларга тақдим этади.

34. Рўйхат бўйича навбати келган фуқаролар ташкилий гурух томонидан Саудия Арабистонига жўнашдан камида бир ой олдин ёзма шаклда почта орқали хабардор қилинади. Фуқаронинг почта орқали хабардор қилинганинг тасдиқловчи ҳужжат ташкилий гурухда сақланади.

35. Рўйхат бўйича навбати келган, бироқ зиёратга бормайдиган ёки зиёратга бориш имкони бўлмаган фуқаролардан бу ҳақда ариза олинади.

Ушбу Низомнинг 46-банди [тўртинчи хатбошига](#) мувофиқ «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига маҳрами билан бориши лозим бўлган аёлларнинг навбатга ёзилган маҳрами зиёратга бора олмаган тақдирда унинг ўрнига аёлнинг ушбу Низомнинг [46-банди](#) талабларига жавоб берадиган бошқа маҳрами бориши мумкин.

36. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бориш учун рўйхатда турған фуқаронинг ўз навбати келганда муайян сабабларга кўра зиёратга бориш имкони бўлмаса, у ариза билан навбатини бир йилгача муддатга орқага суриши мумкин.

Бир йилдан сўнг ҳам фуқаронинг муайян сабабларга кўра зиёратга бориш имкони бўлмаса унинг навбати бекор қилинади.

37. Почта орқали хабардор қилинган фуқаро зиёратга оид ишларни амалга ошириш учун ташкилий гурухга мурожаат қилмаса, ташкилий гурух вакили мазкур фуқаронинг яшайдиган манзилига бориб, фуқарони ёки унинг яқин қариндошларини ёхуд у билан бирга яшайдиган бошқа шахсларни ёзма тарзда хабардор қиласди.

Ушбу банднинг биринчи хатбошида белгиланган тартибда хабардор қилинган фуқаро ташкилий гурухга мурожаат қилмаса ёки фуқаронинг яқин қариндошлари ёхуд у билан бирга яшайдиган бошқа шахслар навбатда турған фуқаронинг муайян сабабларга кўра зиёратга бора олмаслигини маълум қилса, ташкилий гурух томонидан фуқаронинг яқин қариндошлари ёки у билан бирга яшайдиган бошқа шахслар билан худуддаги фуқаролар йиғини раиси ва ички ишлар органларининг профилактика инспектори иштироқида далолатнома тузилиб, мазкур фуқаронинг навбати бекор қилинади.

38. Худди шундай далолатнома ташкилий гурух вакилининг фуқаро яшайдиган манзилга бориб ариза берувчини, унинг яқин қариндошлари ёки у билан бирга яшайдиган бошқа шахсларни топа олмаган тақдирда ҳам тузилади ва фуқаронинг навбати бекор қилинади.

39. Фуқаронинг навбати бекор қилинганда унинг ўрнига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида ундан кейин навбатда турған фуқаро зиёратга бориш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда бу ҳақда ушбу фуқаро уч кун мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ёзма тарзда хабардор қилинади.

Ушбу Низомга мувофиқ навбати бекор қилинган фуқаролар «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлариға бориш учун белгиланган тартибда рўйхатга қайтадан ёзилади.

Навбатда турган фуқароларнинг ўз навбатини ўзаро алмаштиришига ёки уни рўйхатда турмаган фуқароларга беришига йўл қўйилмайди.

40. Ҳаж» ва «Умра» тадбирлариға бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда уларнинг аввалги манзили бўйича навбати сақланиб қолинади.

41. Ташкилий гуруҳлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этилган зиёратчиларнинг рўйхати асосида уларни «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлариға борадиган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбат тизимида рўйхатдан ўтказиб борадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан юритиладиган «Ҳаж» ва «Умра» сафарига бориш истагини билдирган фуқароларни қайд этиш журнали ҳамда тегишли ҳудуд бўйича онлайн навбат тизимиға киритилган зиёратчиларнинг рўйхатининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ташкилий гуруҳларга юклатилади.

42. Ташкилий гуруҳлар тегишли йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлариға борадиган зиёратчилар рўйхатига киритилган фуқаролардан ўзлари ҳисобда турган тиббиёт муассасаларидан саломатлиги, зиёратга боришга қодир эканлиги ҳақидаги маълумотномани ва рангли фотосуратларини қабул килиб олади.

Ташкилий гуруҳлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан олинган рўйхатлар асосида квотага мувофиқ тегишли йилда туман (шахар) миқёсида «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлариға борадиган зиёратчилар рўйхатини ҳайъатлар квотани тасдиқлагандан кейин ўн кун мобайнида умумлаштиради. Умумлаштирилган рўйхат икки нусхада тайёрланади ва тасдиқланади. Мазкур рўйхатнинг биринчи нусхаси электрон варианти билан бирга ҳайъатларга тақдим этилади. Рўйхатнинг иккинчи нусхаси ташкилий гуруҳда сақланади.

43. Ҳайъатлар ташкилий гуруҳлардан олинган рўйхатлар асосида тегишли йилда ўзининг ҳудудидан «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлариға борадиган зиёратчилар рўйхатини умумлаштиради ва зиёратчилар паспортларининг амал қилиш муддати, чет элга чиқиш учун рухсат берувчи ёзув стикери борлигини текшириш, зиёратчиларни тиббий қўриқдан ўтказиш ишларини амалга оширади.

Ҳайъатлар ўзининг ҳудудидан тегишли йилда «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлариға борадиган фуқароларнинг рўйхатини Жамоатчилик кенгаши квотани тасдиқлагандан кейин йигирма кун мобайнида умумлаштиради.

Умумлаштирилган рўйхат икки нусхада тайёрланади ва тасдиқланади. Ҳайъатлар мазкур рўйхатнинг биринчи нусхасини электрон варианти билан бирга Жамоатчилик кенгашига тақдим этади. Рўйхатнинг иккинчи нусхаси ҳайъатларда сақланади.

44. Зиёратчиларни зиёратга юборищдан камида ўн кун олдин Жамоатчилик кенгаши ҳайъатлардан олинган рўйхатлар асосида тегишли йилда Республика миқёсида «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлариға борадиган зиёратчилар рўйхатини умумлаштиради, зиёратчиларни гуруҳларга ажратади, зиёратчиларнинг гуруҳ раҳбарларини тайинлади, зиёратчиларнинг гуруҳларини тегишли авиақатновларга тақсимлади, зиёратчиларни Саудия Арабистонига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ барча ишларни амалга оширади.

45. Жамоатчилик кенгаши ва ҳайъатлар томонидан зиёрат билан боғлиқ барча шартшароитлар (зиёрат тўловлари, шартлари ва муддати) ҳақида зиёратчиларга «Ҳаж» тадбири бошланишидан камида бир ой, «Умра» тадбири бошланишидан камида ўн тўрт кун олдин маълум қилинади.

46. Тегишли йилда «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлариға борадиган фуқаролар рўйхатини шакллантиришда қуйидаги қўшимча шартлар инобатга олиниши лозим:

«Ҳаж» тадбирига бормоқчи бўлган фуқаро «Ҳаж» тадбирига бормаган бўлиши;

«Умра» тадбирига бормоқчи бўлган фуқаро сўнгги икки йил мобайнида «Умра» ёки сўнгги беш йил мобайнида «Ҳаж» тадбирига бормаган бўлиши;

(46-банднинг иккинчи хатбоииси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1031-сонли қарори таҳририда — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2017 й., 09/18/1031/0500-сон)

«Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бормоқчи бўлган фуқаролар вояга етган бўлиши;

«Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига 45 ёшгача бўлган аёллар учун маҳрамлари (эри, отаси, ўғли, акаси, укаси ва х.к.)нинг ҳам бирга бориши ҳамда маҳрам эканлигини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳнома) нусхаси тақдим этилганлиги.

5-боб. Зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гурухлар, тиббий ходимлар, ошпазлар, зиёратчиларнинг гурух раҳбарлари ва зиёратчилар билан ўтказиладиган сафаролди учрашувлар ҳамда машғулотлар

47. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини тартибли ташкил қилиш, зиёратчиларнинг ибодатлари тўлиқ бўлиши мақсадида Жамоатчилик кенгаши томонидан зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гурухлар, тиббий ходимлар ва ошпазлар билан учрашувлар ўтказилади.

48. Зиёратчиларнинг гурух раҳбарлари учун Жамоатчилик кенгаши раиси томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида машғулотлар ташкил қилинади.

49. Зиёратчиларнинг гурух раҳбарлари жойларда зиёратчилар билан «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларининг одоблари, уларни амалга ошириш тартиби, сафарга бориш-келиш қоидалари, шартлари ва талаблари ҳақида учрашувлар ҳамда машғулотлар ўтказади.

Зиёратчиларнинг гурух раҳбарлари зиёратчиларга қулай шароитлар яратиш мақсадида уларни доимий равища кузатиб бориш ва сафар давомида уларга амалий ёрдам бериш учун масъулдирлар.

50. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гурухлар, тиббий ходимлар, ошпазлар, зиёратчиларнинг гурух раҳбарлари ва зиёратчилар билан яқуний учрашувлар ўтказилади ҳамда бунда мазкур ташкилотлар вакиллари ўз соҳаларига оид тегишли тушунтириш ишларини амалга оширадилар.

6-боб. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини молиялаштириш

51. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг Қорақалпоғистон Республикасидаги қозиёти ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллиги томонидан банкларда «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари учун зиёратчилардан йигиладиган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш мақсадида маҳсус ҳисобварақлар (22626 — Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) очилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги зиёратчилардан олинадиган тўловлар белгиланган «Ҳаж» ва «Умра» мавсумидан камида икки ой олдин, бир йўла умумий суммани тўлиғича тўлаш йўли билан нақд пул ёки нақд пулсиз тартибда амалга оширилади.

Тўловлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида очилган маҳсус ҳисобварақлар (22626 — Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) очилган банкнинг барча ҳудудий филиалларида амалга оширилиши мумкин.

Тўловлар Ҳайъатнинг ишчи органи томонидан очилган маҳсус ҳисобварақда тўпланади ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг маҳсус ҳисобварағига (22626 — Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) ўтказилади.

«Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари билан боғлиқ барча сарф-харажатлар ҳар бир зиёратчи учун сафар харажатлари сметаси асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси маҳсус ҳисобварағига (22626 — Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) йигилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

52. Турли ташкилотлар вакилларидан иборат зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гурухларнинг Саудия Арабистонига бориш-келиши билан боғлиқ барча харажатлар ҳар бир зиёратчи учун сафар харажатлари сметаси асосида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг маҳсус ҳисобварағига (22626 — Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) йигилган маблағлар ҳисобидан вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридағи хизмат сафари харажатлари учун маблағлар беришнинг белгиланган тартибиға мувофиқ қопланади.

53. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қорақалпоғистон Республикасидаги қозиёти, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги вакилликларининг «Ҳаж» ва «Умра» масалалари билан шуғулланувчи ходимларининг харажатлари, мазкур ходимларнинг иш ҳақлари ҳар бир зиёратчи учун сафар харажатлари сметаси асосида белгиланган тартибда қопланади.

54. Зиёратчиларнинг Тошкент шаҳрига келиш-кетиши, яшаши, овқатланиши, транспорт харажатлари зиёратчилар ҳисобидан, ҳайъатлар томонидан тасдиқланадиган алоҳида сметалар асосида қопланади.

55. «Ҳаж» ва «Умра» тадбирлари учун тўловни амалга оширган, бироқ маълум сабабларга қўра мазкур тадбирларга бора олмаган ёки бора олмайдиган фуқарога шахсан ўзининг аризаси ёки унинг номидан ишончномага асосан ҳаракат қилаётган шахснинг аризасига мувофиқ тўланган тўловлар тўлалигича ариза тақдим этилган пайтдан бошлаб ўн иш кунида фуқаро (ишончли вакил) томонидан тақдим этилган маҳсус ҳисобвараққа ўтказиб берилади.

Фуқаронинг вафот этиши муносабати билан «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларига бориш учун тўланган тўловлар вафот этган фуқаро қонуний меросхўрининг аризасига асосан меросхўр тақдим қилган маҳсус ҳисобвараққа ўтказиб берилади.

7-боб. Якунловчи қоида

56. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

**«Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА**

«Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш

СХЕМАСИ

(1-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1031-сонли қарори таҳририда — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2017 й., 09/18/1031/0500-сон)

«Хаж» ва «Умра» зиёратларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**ТОШКИТ ШАҲРИ _____ ТУМАНИ «_____» МАҲАЛЛА
ФУҚАРОЛАР ЙИЎИННИНИНГ «ҲАЖ» САҒАРИГА БОРИШ ИСТАГИНИИ
БИЛДИРГАН ФУҚАРОЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ ЖУРНАЛИ**

1,5 см	7.										
1,5 см	8.										
1,5 см	9.										
1,5 см	...										

«Хаж» ва «Умра» зиёратларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби түғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**ТОШКЕНТ ШАҲАР _____ ТУМАНИ «_____» МАҲАЛЛА
ФУҚАРОЛАР ЙИЎИННИНИНГ «УМРА» САҒАРИГА БОРИШ ИСТАГИНИ
БИЛДИРГАН ФУҚАРОЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ ЖУРНАЛИ**

	1,5	20,5 см 1-варақ				20,5 см 2-варақ					
		6 см	5 см	6,5 см	1,5	1,5	3 см	3 см	3,5 см	3 см	5 см

29 см	1,5 см	№	Фамил ияси	Исми	Отасин инг исми	Тикил адига н жой	Рўйха тга олинг ан сана	Туғилган санаси ва йили	Паспорт серияси	Алоқа учун телефон	Доимий яшаш манзили	Изоҳ
------------------	-------------------	----------	-----------------------	-------------	--------------------------------	----------------------------------	--	--	----------------------------	-----------------------------------	------------------------------------	-------------

1,5 см	1.										
1,5 см	2.										
1,5 см	3.										
1,5 см	4.										
1,5 см	5.										
1,5 см	6.										
1,5 см	7.										
1,5 см	8.										
1,5 см	9.										
1,5 см	...										

«Ҳаж» ва «Умра» зиёратларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА
4-ИЛОВА**

МАЪЛУМОТНОМА

Ушбу маълумотнома шу ҳақда берилдики, _____ вилояти (шахри) _____ тумани
_____ фуқаролар йигини, мазкур фуқаролар йигинидаги _____ кўчаси _____
уйда истиқомат килувчи фуқаро _____ 20 _____ йил
_____ да «Ҳаж» («Умра») тадбирига борувчилар журналида _____ тартиб рақами билан
рўйхатга олинди.

Фуқаролар йигини раиси

_____ (Ф.И.Ш.) _____ (имзо)

М.Ў.

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 23-сон, 480-модда; Қонун
ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2017 й., 09/18/1031/0500-сон, 14.05.2018 й.,
09/18/327/1173-сон, 29.12.2018 й., 09/18/1056/2400-сон, 03.07.2019 й., 09/19/551/3369-сон; 12.03.2020
й., 09/20/144/0314-сон)